

---

## ФАРҒОНАДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ЕР АЖРАТИШ, ЭКСПОРТБОП ЭКИНЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ҲАМДА БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ вилоятимизда бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ўз вақтида ва сифатли божхона хизматларини кўрсатиш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиш, экспортбоп экинларни жойлаштириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича белгиланган вазифалар бажарилишини ўрганмоқда. Қўмита раисига вилоят ҳокимининг ўринбосари Алибек Турсунов ҳамроҳлик қилмоқда.

Ўрганишлар давомида ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини амалга оширишда яратилган имкониятлар, божхона ҳамда қишлоқ хўжалигига оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти хусусида маълумотлар берилиб, аҳолига ер ажратиш тартиби, маҳсулотларни экспорт қилиш, сақлаш ва юклашга ихтисослаштирилган инфратузилмаларни ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мазкур соҳаларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича масъул давлат органларининг фаолияти, уларнинг қуйи тузилмаларида амалга оширилган ишлар, юзага келаётган муаммоларнинг ҳал қилинганлиги, қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳолати таҳлил қилиниб, соҳа мутахассисларига бу борада аниқ топшириқлар юклатилмоқда.

Хусусан, бугун ишчи гуруҳ томонидан Фарғона туманидаги Водил Қизилқўрғон массиви ҳудудида жойлашган малина плантацияси, Олтиариқ туманидаги Водий ТИФ божхона постига қарашли “Қапчуғай” экспортга кўмаклашиш маркази ҳамда ҳудуддаги замонавий музлаткичли омборхоналар фаолияти, маҳсулотларни экспорт қилишда амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Ўрганишлар жараёнида экспортёрлар ва тадбиркорлар билан мулоқот қилинди.

Ишчи гуруҳнинг ҳудуддаги ўрганишлари давом этмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-28 17:30:53